Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 65 (21. 184) 1992 йил 1 апрель, чоршанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОАК)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш, уларни республика иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг устивор муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш ҳамда илмий ва илмий-педагог жамоатчиликнинг таклифларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК) ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

— ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети билан биргаликда иштирок этиш;

— илмий даражалар берувчи ихтисослаштирилган кенгашларни ва илмий унвонлар берувчи кенгашларни тузиш (тугатиш)га ва рўйхатдан ўтказишга оид таклифларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш;

— аттестация тизимини такомиллаштириш, қўшма ихтисослаштирилган ва эксперт кенгашларини ташкил этиш, аттестация ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисида битимлар тузиш ва халқаро маълумотлар банкларидан фойдаланиш юзасидан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар Фанлар академияси, тармоқ академиялари, вазирликлар, идоралар, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва муассасалар кимга бўйсунишидан қатъи назар, улар учун мажбурийдир.

4. Илмий даражалар ҳамда унвонлар берувчи ихтисослаштирилган ва илмий кенгашларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ҳузурида кенгашлар қайта рўйхатдан ўтказилгунга қадар ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишни тўхтатиб турсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида Олий аттестация комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир қарорни қабул қилиб, комиссия тузилмасини ва унинг тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 31 март.

АМАЛИЙ ТАДБИР

БУХОРО. («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши IV пленуми ва бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя этиш бўйича вилоят партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида маъруза қилди.

Музокараларда кенгаш аъзолари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида қўшимча фикр ва мулоҳазаларни баён этдилар.

Кенгашда Бухоро вилояти ҳокими Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири М. А. Турдихўжаева иштирок этдилар.

Кенгашда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, вилоят кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя этиш бўйича амалий ҳаракат дастури қабул қилинди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

● Кеча Урганчда ХДП Хоразм вилоят кенгашининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Хоразм вилояти ишлаб чиқариш кучларини узвий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари» ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Унинг қатнашчилари ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машариповнинг маърузасини тинглаб, олддаги вазифаларни белгилаб олишди. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, ХДП вилоят, шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари омма орасига дадил кириб бориб, партия обрўсини ва нуфузини анча оширишга муваффақ бўлдилар. Айни пайтда вилоят кенгаши таркибида 800 та бошланғич, 11 та шаҳар ва район партия ташкилотлари бор. Уларга 28 минг партия аъзоси бирлашган. Партия ташкилотлари ХДП Низоми ва Дастури асосида иш олиб бориб, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган оғир ва машаққатли кунларда аҳоли турмуш даражасини мумкин қадар енгиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Партиянинг таъсир кучи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу борада Урганч шаҳар, Хива ва Қўшкўпир район кенгашлари амалга ошираётган ишлар, айниқса, эътиборга моликдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми ҳужжатлари партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш, омма билан алоқасини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этяпти. Партия ташкилотлари вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-хўжалик тадбирларида яқиндан иштирок этмоқдалар. Партия аъзолари аҳолини белгиланган нормадаги озиқ-овқат ва бошқа хил истеъмол моллари билан таъминлашнинг аҳволини мунтазам назорат қилиб боришяпти. Шаҳар ва район кенгашлари ҳузурида иш бошлаган ноиблар гуруҳлари, вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган ноиблар қабулхонаси ташкилотларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Шундай бўлсада, партия нуфузини ошириш учун вилоятда ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Айрим партия ташкилотларида ҳали ҳам сусткашлик рўй беряпти. ХДП кенгашлари ташкилий жиҳатдан аллақачон шаклланиб олганига қарамай, айрим партия аъзолари партия Дастури ва Низомини ҳанузгача чуқур ўрганиб олишган эмас.

Маърузачи ва нотиқлар бундан буён ҳам барча диққат-эътиборни район ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва партия қўйи бўғинлари ташаббускорлигини, партия аъзоларининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ва ишчанлигини оширишга, муаммоларни ҳал этишда уларнинг ролини кучайтиришга, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда партиянинг нуфузи ва обрўсини янада оширишга қаратиш зарур, деб таъкидлашди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида вилоят ҳокими М. Жуманиёзов иштирок этди.

Пленум тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Хоразм вилоятида бўлган пайтида ХДП Хива район кенгаши фаоллари билан учрашди, Хива гиламчилик комбинати, райондаги Огаҳий номли жамоа хўжалиги, Урганч ёғ-мой комбинати партия ташкилотларининг иш услублари ва тажрибалари билан танишди, Янгибозор районидаги бошланғич партия ташкилотларининг котиблари билан давра суҳбати ўтказди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

● Ўлкамизда баҳор. Бу фасл барча қишлоқ меҳнаткашлари қатори чўпону чўлиқларни ҳам шоширмоқда. Қўйчивонлар қўзилатиш мавсумини намунали ўтказиш учун ҳаракат қилишаётир. Айниқса қоракўлчилик хўжаликларида чўпонларнинг иши тиғиз. Хўш, бу мавсумга қандай тайёргарлик кўрилди? Чўпон-чўлиқларга қандай шароитлар яратилди.

МАВСУМНИНГ ИЛК ҚУВОНЧЛАРИ

— Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда хўжаликларимизда қўзилатиш мавсуми қизғин бормоқда, — дея сўз бошлади республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Н. Зулпиддинов.** — Умуман бу йил республика хўжаликларида 3 миллион 24,7 минг бош совлиқ ёки 5 минг 41 отардаги совлиқ қўзилайди. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ҳозиргача салкам 2 миллион совлиқ қўзилаб бўлди.

Бу йилги қўзилатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу йил бошларида қоракўлчилик давлат хўжаликларида 2700 та иссиқ жой тайёрлаб қўйилди. Қоракўл тери учун қўзи сўйиш мақсадида 206 та пункт таъмирланди. Шунингдек, хўжаликлардаги қуйдуқлар ҳам мавсумга шайланди.

Мавсумнинг яна бир хусусияти шундаки, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда йил бошида Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳида қоракўл қўзиларнинг бонитировкасини ўтказиш бўйича хўжаликлардаги олий маълумотли зоотехникларнинг семинари бўлиб ўтди. Унда 50 мутахассис малакасини оширди. Бугина эмас, 20 февралдан 5 мартгача эса республикадаги қоракўлчилик давлат хўжаликларида, ихтисослашган районларда қоракўл қўзиларнинг бонитировкасини ўтказиш бўйича бонитер тайёрлаш ва қайта тайёрлаш семинарлари самарали якунланди. Буларда 500 дан зиёд бонитер ўз билимини оширди. Қоракўл терилларнинг сифатини ошириш мақсадида Бухоро қоракўл заводида жумҳурият хўжаликларининг товаршунос хом ашёчилари иштирокида ҳам семинар ўтказилди.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси хўжаликларга эҳтиётда сақланаётган шротдан 5 минг тонна, 2 минг тонна шелуха, «Узхлебпродукт» концерни 1000 тонна кепак ажратди. Ҳозиргача ҳукумат томонидан ажратилган озуқалар истеъмолчиларга етказиб берилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига 1000 тонна шрот ва минг тонна шелуха ажратилди.

Чўпон-чўлиқлар учун эса қўшимча озиқ-овқат беріладиган бўлди. Масалан, март-апрель ойлари учун ҳар бир оила аъзосига икки килограммдан қўшимча ун берилмоқда. Бундан ташқари пахта ёғи, чой, макарон ва қандолат маҳсулотлари зудлик билан жўнатиляпти.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Термиз районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида сулидан чорва учун тўйимли озуқа тайёрлаш қизғин бошлаб юборилди. Ҳар куни чорвачилик фермаларига 16 тоннагача озуқа жўнатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: комбайнчи Бўрибой Норалиев (чапда) ва ферма механизатори Панжи Хўжанов кунлик суръатни бўшаштиришмаяпти. Ўнгдаги суратда сули ўримн.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

● Муҳарририятга қўнғироқ

ҚУТЛОВЛАР ҚЎШ-ҚЎШ...

Муҳарририятимизга сим қоқилди.

— Алло, «Ўзбекистон овози» рўзномасими?

— Ҳа, хизмат?

— Биз Сизга халқимизнинг обрў-эътиборли йирик олимларидан бири, академик, парламентдош ҳамкасбимиз меҳнатига берилган юксак баҳо ҳақида хабар қилмоқчи эдик.

— Яхши тилак, марҳамат.

— Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати академик Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев номига кетма-кет келаётган табрик хатлари ва телеграммаларнинг бир нечтаси турибди... Яхшиси, улардан атиги иккитасини ўқиб берсак қандай бўларкин?

— Қани, эшитайлик.

— Жаноб Пўлат Қирғизбоевич, Сиз ҳинд материалшунослари жамиятининг фахрий аъзоси этиб сайланганлигингиз тўғрисидаги хушхабарни шахсан ўзингизга етказаётганимдан роят бахтиёрман... Биз келгусида қўшма ҳамкорлик қилишимизга ишонаман...

Салом ила Ҳинд материалшунослари жамияти Президенти, Ҳинд фанлари олийгоҳи директори, профессор Р. Рао».

Навбатдагиси: «Ҳурматли академик Ҳабибуллаев, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларида — айниқса, илм-фан тараққиётидаги шахсий ҳиссангиз барчага маълум. Сизга янада катта ютуқлар тилайман. Ишонаманки, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари бундан кейин ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида мустаҳкамланиб бораверади...

Қизғин салом билан Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Асоке Мукержи».

...

— Кечирасиз, Ҳинд материалшунослари жамияти қандай жамият ўзи? Иш қўлами, вазифалари нималардан иборат?

— Жамиятнинг обрў-эътибори жаҳонга машҳур. У — материаллар ва янги технология фани тараққиёти бўйича жуда катта ишлар олиб боради. Шунинг учун ҳам у халқаро материалшунослар жамияти уюшмасининг муассисларидан бири. Табийки, бундай нуфузли жамият сафида бўлиш шарафли ва мароқлидир... Қолаверса, таниқли олимимиз бундан бир неча кун олдин Мустақил ҳамкорликдаги давлатлар қаторига киритилган Россия академиясининг ҳам ҳақиқий аъзоси этиб сайландилар.

— Ў-ҳў, қутловга арзигулик янгиликлар, биз ҳам рўзномамиз жамоаси номидан қутлаймиз!

— Раҳмат, аслида биз агар жоиз бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар қўмитаси аъзоси номидан ҳамкасбимизни рўзномангиз орқали муборакбод этиб, фан йўлида янада улкан муваффақиятлар ва сиҳат-саломатлик тиламоқчи эдик...

— Не ажаб, қутловлар қўш-қўш бўлганда тилаклар ҳам вожиб бўлгай!

(Ўз мухбиримиздан).

ЁШЛАР— КЕЛАЖАГИМИЗ

Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитасининг қўшма пленуми бўлди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва ноҳияларнинг лекторлари, халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Ниёзонов, Ёшлар қўмитаси котиби П. Собиров ҳозирги шароитда сиёсий кучлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар муаммоларини ҳал этиш масаласи юзасидан маъруза қилдилар.

Анжуман қатнашчилари шаҳар ва район ҳокимларининг жамоатчилик асосида ёшлар билан ишловчи муовинлари бўлиши зарурлигини таъкидладилар.

Қўшма пленумда вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи биринчи котиби А. С. Азаматов сўзга чиқдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Деҳқончилик- саноат мажмуи ходимлари қурултойида*

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Ўтган йилги иш натижалари таҳлил қилинди, 1992 йил вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири М. Исломов қурултой қатнашчилари ҳузурида маъруза қилди.

— Республикамиз халқ хўжалигида, айниқса, деҳқончилик-саноат мажмуи тармоқларида рўй бераётган барча ижобий ўзгаришлар, — деди у, — бутун халқимиз томонидан яқдиллик билан президентликка сайланган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Президентимиз сабот-матонат билан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, иқтисодни ривожлантиришга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта куч-ғайрат сарфламоқда.

Ўтган йилги ишларимизни таҳлил қиладиган бўлсак, ўта мураккаб об-ҳаво шароитида меҳнат қилдик, — деди вазир. — Чигитни ўз вақтида экиб тугаллашимиз биланоқ ёмғир, жала, дўл, сел, довул-бўронлар ва шунга ўхшаш табиий офатлар деҳқоннинг ишини мушкуллаштирди.

Аммо меҳнаткашларимиз республика раҳбарияти, унинг ҳукумати ёрдамига таяниб мардонавор меҳнат қилдилар ва табиий офатларни енгиб мўл-кўл ҳосил етиштирдилар, минг шукурки, куз ҳам яхши келди.

Ўтган йили пахта етиштириладиган умумий майдон 110 минг гектар камайтирилиб, бунинг устига 366 минг гектар ерда қайта-қайта чигит экиб бўлса ҳам пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли давлат омборларига 4 миллион 646 минг тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Шундан 403 минг тоннаси ипак пахтадир, бу соҳадаги режа анча ошириб адо этилди. Пахтанинг умумий режадан ортиқ қисми эса 200 минг тоннани ташкил этди, ҳосилдорлик 27 центнерга етди.

Пахтачиликда анча янгиликлар бунёдга келди. Ғўза парвариши асосан меҳнатнинг ижара ва пудрат усулида олиб борилди. Бу пахтачилик билан машғул бўлган кишиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга уларнинг масъулиятини ҳам кучайтирди. Ҳар бир меҳнаткаш иш сифати учун курашди. Бунинг натижасида моддий-техника ресурсларидан яхшироқ фойдаланилди, фан ютуқлари қишлоқ хўжалигига кенг жорий этилди. Бир йилнинг ўзида 355 минг гектар майдонга чигит пуштага экилди, 432 минг гектар ерга чигит аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан қадалди, қатор ораларига ишлов беришда анча такомиллашган усуллар қўлланилди.

Бутун республикамиз ва ўн вилоят пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан бажарди. Ҳосилнинг 81 фоизи биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди.

Шуни айтиш лозимки, кейинги йилларда биринчи марта машина терими режаси бажарилди, 2665 минг тонна пахта машиналарда териб олинди, деб уқтирди нотиқ.

(Давоми 2-бетда).

Танишинг: Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси раиси Хайрулла ЖЎРАЕВ

Х. Жўраев 1945 йили Жиззах вилоятининг Зомин районида туғилган. Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультети ва Москвадаги киносценарийчилар ва режиссёрлар тайёрлаш икки йиллик олий курсларини тамомлаган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби.

У Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида муҳаррир, бош муҳаррир, кинорежиссёр, «Ўзбекистон видеомаркази» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори бўлиб ишлаган. Х. Жўраев сўнгги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасида масъул лавозимларда хизмат қилди.

Х. Жўраев сценарийчи ва кинорежиссёр сифатида «Ҳамид Олимжон», «Абдулла Қодирий», «Икки миллион таниш чеҳра», «Афғонистон кундалиги», «Барча фазилатлар сенда мужассам», «Фуқаро», «Пўл!», сингари ўнлаб фильмлар муаллифидир.

— Марказдан бошқарув қурбони сифатида бундан бир неча йил муқаддам кино соҳаси Маданият вазирлигига қўшиб юборилган эди, — дейди Х. Жўраев. — Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиб, бу соҳада ҳам миллий кино санъатини яратишдек муҳим ишга катта эътибор берила бошланди. Эндиги вазифа — бозор муносабатларига ўтишнинг қийин шароитларида ана шу ишончни оқлаш, Ўзбекистон кино санъатининг чинакам миллийлигини сақлаб қолиш ва бойитиш, халқимизнинг тарихий ўтмишига, меросига, қадриятларига, бугунги мустақиллик учун фидокорона курашига, меҳнатига муносиб асарлар яратишдан иборатдир.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДА

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Президентимизнинг ташаббуси билан пахтанинг харид нархи бир ярим баравар оширилди. Бунинг ижобий таъсири кучли бўлди, чунки харажатларнинг ошиб кетганлиги ва мавжуд харид нархлар эса уни қопламаслиги деҳқонларимизни анча ташвишга солиб қўйган эди. Харид нархининг ошганлиги ўтган йили қўшимча равишда салкам тўрт миллиард сўм даромад келтирди.

Кейинчалик эса хўжалик режасидан 5 фоиз ва режадан ошиқ пахтанинг ҳаммасини хўжаликнинг ўз ихтиёрида қолдириш ҳақидаги Президентимиз Фармони хўжаликларимизни иқтисодий барқарорлаштиришда жуда катта ёрдам бердики, бу жумҳурият деҳқончилигининг тарихида биринчи ажойиб қадам бўлди. Бу иқтисодимизни кўтаришга олиб келади, албатта.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири — пахтани саралаш ва унинг сифат белгиларини аниқлашдан иборатдир, аниқроғи, унинг навини тўғри, адолатли белгилашдан иборатдир.

30-йилларда яратилган ва ҳозирги кунда ҳам қўлланилаётган пахтани саралаш ва унинг сифат белгиларини ёки навини аниқлаш жараёни унинг ҳақиқий сифати ва нархини белгилашда бирмунча чалкашликлар келтириб чиқараётганлиги сизларга яхши маълум.

Жаҳон бозори талабига жавоб бера оладиган ғўза навлари яратишда олимларимиз жонбозлик кўрсатишлари лозим. Ҳозирги вақтда юқори сифатли ва кўп миқдорда тола бера оладиган «Юлдуз», С-65-24, С-65-30, Бухоро-6 каби жами 14 хил шундай ғўза навларига эгамиз. Бу навларни кўпайтиришимиз ва ҳар қайси вилоятнинг тупроқ ҳамда иқлим шароитига қараб районлаштиришимиз зарур.

Эндиликда эскича услубда ишлаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамма маблағлар, имкониятларни жуда тежаб-тергаб сарфлашни тақозо этмоқда, яъни олдимизда сарф-харажатларни кескин камайтириш воситаларини амалда қатъий қўллаш вазифаси турибди. Бу соҳада илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва илғор амалиётлар заҳираси оз эмас, бироқ бу соҳадаги изланишни давом эттириш лозим. Бу эса сувни тежаб-тергаш, техникадан самарали фойдаланиш, мавжуд техника ва машина-ускуналарни яхши сақлаш йўли билан уларнинг хизмат муддатини узайтириш, минерал ўғитларнинг очиқ ҳавода, ёғин-сочинда қолиб кетишига мутлақо йўл қўймасликни талаб этади. Чунки уларнинг нархлари ҳозирдаёқ мисли кўрилмаган даражада кўтарилиб кетди. Бу эса ҳаммани ташвишлантирмоқда. Шу муносабат билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг қайта кўриб чиқилиши зарур бўлиб қолган эди. Бу масала ижобий ҳал этилди. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари ва пахта толасининг улгуржи нархлари оширилди.

4 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерларимиз бор. Уларнинг бир қисми шўрланган, таркиби ҳам ҳар хилдир.

Узоқ вақт майдонларга пахта экиб келинганлиги, экинларни алмашлаб экиш жорий этилмаганлиги оқибатида тупроқ унумдор қисмини анча йўқотиб қўйди. Вазифа эски суғориладиган ва янги ўзлаштирилган ерларда тупроқ унумдорлигини оширишдан иборатдир. Бунинг учун имкониятлар яратилди. Сўнгги йилларда пахта майдони деярли 400 минг гектар камайтирилди. 300 минг гектар ер аҳолига томорқа сифатида ажратиб берилди.

Ғаллачиликни ривожлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлади вазир. Аҳоли ўсиб бораяпти, собиқ иттифоқдош республикалар дон сотишни камайтириб қўйди, чорвачилик ва паррандачилик омухта емга муҳтож.

Ўтган йили ялпи дон етиштириш бир миллион 723 минг тоннани ташкил этди. Шундан 574 минг тонна дон давлатга сотилди, 237 минг тонна буғдой Президентимиз фармонларига асосан аҳолига арзон нархда сотилди ва 161 минг тонна дон уруғлик учун жамғарилди, 570 минг тонна дон хўжаликларнинг ўзида қолдирилди. Бу ёмон эмас, аммо айрим районлар давлатга дон сотишни барбод қилдилар. Бу хатони 1992 йилда тўғрилаш керак.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлашда мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғи муҳим ўрин тутади.

Ўтган йили сабзавот-полиз маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштиришнинг умумий ҳажми 5,4 миллион тоннага етди. Уларнинг 52 фоизга яқини жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Кейинги йилларда фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш бўйича кўрилган тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Улар томонидан етиштирилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари 2,6 миллион тоннани ёки умумий етиштирилган маҳсулотнинг 48 фоизини ташкил этди.

Агросаноат мажмуига кирувчи маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини янада самарали ишлашга қаратишимиз керак. Бунда консерва, ёғ-мой, нон маҳсулотлари, пахта тозалаш ва бошқа саноат корхоналари кўзда тутилмоқда. Улар кучи билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард сўмни ташкил қилди. Айниқса, тармоқ қошида кичик қайта ишлаш ва чет давлатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар барпо қилиш диққатга сазовордир.

Ҳозиргача агросаноат комплекси таркибида 25 та қўшма корхона ишга туширилди. Бу бизга бир қанча қўшимча даромад олиб келади ва аҳолини иш билан таъминлайди.

Ем-хашак етиштириш масаласи жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарларининг, қишлоқ хўжалиги идораларининг, ҳаммамизнинг диққат-марказимизда бўлиши зарур. Бу масалага катта эътибор берилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Алмашлаб экиш, маҳаллий ўғит солиш ва ўт-ўланлар экиш ҳисобига ер бойийди, чорва озуқа билан таъминланади.

Жумҳурият чорвачилигида беш миллиондан зиёд қорамол, салкам 10 миллион бош қўй ва эчки, 24 миллионта парранда бор.

Рўй-рост айтиш керакки, бу соҳадаги ишларимиз ҳеч кимни қониқтирмайди. Буни 1991 йил якунлари яққол кўрсатиб турибди. Тармоқ бўйича йиллик маҳсулот етиштириш режаси бажарилмади ва кўпгина кўрсаткичлар 1990 йил даражасидан ҳам пасайиб кетди.

Яқинда чорвадорлар ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Президентимиз яйловлардаги қўйчивон, йилқичи, туя боқувчиларнинг оғир ва ноқулай шароитини ҳисобга олиб, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни таъминлаш мақсадида алоҳида Фармон қабул қилди. Бу барча чорвадорларни хурсанд қилиб, ғучига-куч қўшди. Улар ҳозирги кунларда барча отарларда ҳисори ва қоракўл қўйсовлиқларини қўзилатишни юксак масъулият билан олиб бормоқдалар.

Ўтган йили республика раҳбариятининг қарори билан шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун бир миллиард сўм ажратилди. Бу катта ёрдамга жавобан шахсий хўжаликлар чорвачилик ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш юзасидан маълум иш олиб бораяптилар. Бунинг учун ҳамма асослар бор. Шахсий хўжаликларга уч юз минг гектар ер берилди, собиқ Иттифоқнинг бирор республикасида шундай кўп ер берилган эмас, бу социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлди. Кўп масалалар ижобий ҳал этилди.

Бироқ берилган ерлар мутахассислар томонидан текшириб чиқилганда кўп камчиликлар ҳам аниқланди. Республика бўйича ўтган йили 38 минг гектар томорқа ери экилмай қолди. Бу—Жиззахда 5 минг, Наманганда 3 минг, Қорақалпоғистон Республикасида 17 минг гектардир. Ҳар бир оилага 100 килограмм берилган буғдой уруғлик учун ишлатилиши кўзда тутилган эди. Кўпчилик томорқаларда у экилмади. Ҳозир экиб қўйсак ҳам кеч эмас.

Ноябрь ойида Президент Фармони билан фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил қилиш учун 200 минг гектар ер фондлари тузилди. Эндиги вазифа бу ерларнинг эгасини топиб бериш ва уларнинг ишини ташкил этишга яқиндан ёрдам кўрсатишда қолган. Ерни танлов асосида деҳқонларга берайлик, у ернинг қадрига етади ва унумли фойдаланади.

Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан пиллачиликни ривожлантириш учун қатор тадбирлар белгиланди. Қумуш тола ижодкорлари фидокорона меҳнат қилиб, ўтган йили 34 минг тоннага яқин қимматли хом ашё етказиб бериб, режани 110 фоиздан зиёд адо этдилар. Ҳосилдорлик ҳар қути ипак қуртидан ўртача 62,5 килограммни ташкил этди. Ҳозир пилланинг 15 фоизи хўжаликларнинг ўзида қолдирилаётганлиги уларнинг руҳини кўтарди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1992 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлаш режалари белгиланган. Шунга асосан бир миллион 384 минг тонна пахта толаси, 630 минг тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, бир миллион тоннага яқин мева ва узум, 30 минг 290 тонна пилла, 295 минг тонна гўшт, 954 минг тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланади.

Баҳорнинг ҳар бир куни ғаниматдир.

Шу кеча-кундузда ерлар етилиб бормоқда. Чигит экадиган кунлар ҳам етиб келди. Уруғлик чигит, минерал ўғитлар тайёр қилиб қўйилди. Чигит экиш қизғин тус олгунга қадар бошоқли дон, эртанги сабзавот, картошка, беда, дон учун маккажўхори, озуқа лавлагиси ва шунга ўхшаш экинларни экиб тугаллашимиз зарур.

Республика қишлоқ хўжалик вазири пировардида барча белгиланган режалар амалга оширилади, деб ишонч билдирди. Қишлоқ меҳнатчилари мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга, шубҳасиз, ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

* * *

Республика қишлоқ хўжалик вазири маърузаси юзасидан музокарани Бухоро вилоятининг ҳокими Д. С. Ёдгоров бошлаб берди. У вилоят меҳнаткашлари ўтган йилги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай ўз зиммаларига олган, асосий вазифаларини муваффақиятли уддалаганликларини таъкидлади. Чунончи, Олот туманининг пахтакорлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб хом ашё тайёрлаш режасини бажардилар. Вилоятда пахта ҳосилдорлиги анча кўпайди — ҳар гектар ердан 30 центнердан кўпроқ ҳосил олинди. Деҳқонлар, мана уч йил бўлдики, етиштирилган ҳосилни фақат ўз кучлари билан йиғиб-териб олмоқдалар. Бинобарин деҳқонларнинг даромадлари ҳам кўпайди.

Республика Президентининг фермонлари, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари деҳқонларни меҳнатини рағбатлантирди, бу фармонлар ва қарорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун муҳим аҳамият касб этди. Фермерлик ҳаракатининг ривожлантирилиши муваффақият омили бўлди. Вилоятда республикадаги барча фермер хўжаликларининг 30 фоизи иш олиб бормоқда. Бу хўжаликлар чорвачилик маҳсулотларининг катта миқдорини етиштириб бермоқда. Лекин барча имкониятлардан ҳали етарлича фойдаланилгани йўқ. Фермерлар учун сув муаммоси ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. Бу масалада уларга ёрдам бериш керак. Чунки на вилоят, на туманлар раҳбарларининг бундай масалани ҳал этишга қурби етмайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баъзи турларининг харид нархлари оширилганидан хурсанд бўлишмоқда. Лекин бу масалага тегишли муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг президенти А. И. Имомалиев қурултойда сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигига олимларнинг берадиган ёрдами, ишларни илмий асосда ташкил этиш тўғрисида гапирди. Академия деҳқончилик-саноат мажмуини илғор технологиялар, самарали илмий ишланмалар билан таъминлаши керак.

Айни вақтда, деб таъкидлади у, республикамизда тез пишадиган, касалликларга чидамли, маҳаллий шароитга мослаштирилган ғўза навлари йўқ. Авлодларимиз қадимқадимдан етиштириб келган экинлар майдонини кўпайтириш ҳам зарур. Бу эса кўпгина тармоқларни, жумладан чорвачиликни ривожлантиришга туртки берган бўлур эди.

Кейинги йилларда ерларнинг ҳосилдорлиги пасайганлиги сезилмоқда. Шу сабабли олимлар зиммасига пахта, бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишдек катта масъулият юкланмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд, фақат илмий асосланган усулларга, илғор технологияларни қўлланишга қатъий равишда ўтиш керак.

Шундан сўнг нотиқ республика аҳолисига етарли даражада гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмаётганлигини айтди. Бу ғоят муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани фермер хўжаликлари ҳал этишлари мумкин ва шундай қилишлари керак.

Фаннинг вазифаси уларга ёрдам беришдир.

Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли колхозда ишнинг илғор шакли ва усулларидан қандай фойдаланилаётгани ҳақида унинг раҳбари Т. К. Мадиёров гапириб берди. Ҳозир мазкур хўжаликда фирмалар корпорацияси тузилган. Хўжаликда мустақил корхоналар тузилиши туфайли ижобий натижаларга эришилди. Корпорация меҳнаткашлари бозор иқтисодиётини чуқур тушуниб, бугунги ҳаётни унингсиз тасаввур эта олмайдилар. Лекин, дўконларнинг пештахталари ҳали ҳам бўм-бўш. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ходимлари одамларнинг турмушини яхшилаш учун бор куч-ғайратларини сарфлашлари керак. Бунинг учун нима қилиш зарур? Энг муҳими фермерлар жамоа хўжалиги ва давлат хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ягона тузилмасида ишлай олишлари лозим. Ҳозир бундан бошқа илож йўқ.

Аниқ шартномалар асосида ишлашга ўтадиган вақт келди. Масалан, Ким Пен Хва номли корпорацияда ҳар бир бригада деҳқончилик фирмасига айланди. Улар бир-бирлари билан бевосита алоқа ўрнатишди. Бу ерда ҳар бир меҳнаткаш пировард натижадан манфаатдор. Маҳсулот таннархи муҳим аҳамият касб этган — у қанча арзон бўлса, деҳқоннинг фойдаси шунча юқори бўлади.

Масаланинг яна бир томони — аҳолини иш билан банд қилиш жиҳати бор. Корпорацияда қайта ишловчи корхоналардан ташқари хонатлас, ип-газлама тўқиб чиқарувчи цехлар ишлаб турибди, ёғ заводи фойдаланишга топшириш учун тайёрлаб қўйилди, бошқа корхоналар ҳам барпо этилмоқда. Корпорацияда жуда муҳим ижтимоий муаммоларнинг бири — одамларни доимий ва кўп ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинмоқда.

Нотиқ хўжаликда иқтисодий жиҳатдан барқарор, кишилар турмушига мос андоза яратилганини айтди. Лекин корпорация бозор шароитида менежерларсиз, тижоратчиларсиз ишлай олмайди. Республикамизда ана шундай кадрларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш зарур. Банк тизимини ҳам жиддий такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Танглик нафақат қишлоқ меҳнаткашларига, айни вақтда машинасозларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, деди ўз нутқида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Беляев. — Бутловчи қисмлар ва бошқа материаллар қимматлашиб кетгани, маҳсулот етказиб берувчилар билан иқтисодий алоқаларнинг узилиши муш-кулликлар келтириб чиқарди. Жумладан, бирлашмага етказиб бериладиган қисмлар ва узелларнинг нархи 60 баравар ва ундан ҳам кўпроқ қимматлашди.

Тракторсозлар бундай муш-кулликларга қарамай, деҳқонларни қишлоқ хўжалик техникаси билан бир маромда таъминлаш учун имкониятларни излаб топишга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, бирлашмамиз двигатель, трансмиссия, шассилардан иборат тракторнинг андоза намунасини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу эса нисбатан кам харажат қилиб механизациялашган муаммоларни қисман бартараф этиш имконини беради.

Корхонада фермер хўжаликлари учун 30 от кучига эга бўлган ихчам дизель тракторларини ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда. Пишиқ-пухталиги, арзонлиги бу моделнинг асосий афзаллигидир. Бундан ташқари бирлашма мутахассислари хитойлик шериклар билан ҳамкорликда томорқаларга ишлов берадиган митти трактор ишлаб чиқаришга киришдилар. У 18 от кучига эгадир. Трактор чаққон ишлайди, кичикроқ майдонда ундан самарали фойдаланиш мумкин. Корхона яқин орада бир ўқли прицепларни етказиб бера бошлайди. Уларга ҳам давлат, ҳам фермерлик, ҳам шахсий хўжаликларда талаб катта.

Қурултой қатнашчилари Қашқадарё вилоятининг «Яккабоғ» боғдорчилик давлат хўжалиги бригада бошлиғи С. Раҳимованинг нутқини қарсаклар билан кутиб олишди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини жаҳон ҳамжамияти тан олишида Президент И. А. Каримовнинг хизматлари катта, деб таъкидлади у. «Мен оддий одамман — деди нотиқ. — Президентимиз ҳокимият учун эмас, балки халқимизнинг фаровонлиги учун курашяпти, десам кўпчиликнинг фикрини билдирган бўламан».

Шундан кейин у Қашқадарё вилоятида баҳорги дала ишлари авжига чиққанини айтди. Лекин кўпгина муаммолар ҳам бор: қимматчилик туфайли ёқилғи, уруғлик, кўчатлар ҳам ва бошқа кўплаб керакли нарсалар ҳам етишмаяпти. Солиқларнинг, божларнинг катталиги сабабли деҳқонлар оғир аҳволга тушиб қолишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматининг 70 фоиздан кўпроғи тўлов ҳақларига кетмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамаси ана шу ҳаётий муҳим муаммога янада ўйлаброқ босиқлик билан ёндашиши зарур. Нархи қиммат бўлишига қарамай қишлоқ жойларига етказиб берилаётган халқ истеъмоли моллларининг сифати ҳали ҳам пастлигича қолмоқда. Ҳозир ишбилармонлар ниқоби остида оғир иқтисодий аҳволдан фойдаланиб қолишга интилаётган турли хилдаги чайқовчилар пайдо бўлди. Сон-саноқсиз воситачилар эмас, балки ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари пул ишлаб топиши керак бўлган вақт етди. Деҳқонларимиз эса меҳнаткашларнинг дастурхони мўл-кўл бўлиши учун ҳамма ишларни қиладилар.

Қорақалпоғистондаги «Тахтакўпир» шоличилик давлат хўжалигининг директори А. Одилов экология офати туфайли ана шу катта минтақа деҳқончилигида юзага келган вазиятга тўхталди. У ўз нутқида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, шоличиликда илғор технологияларни тезроқ қўлланиш муаммоларига эътиборни қаратди.

Қорақалпоғистон деҳқонларига ёрдам бериш зарур. Чунки ана шу қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулотининг жуда катта қисмини етказиб бераётган қорақалпоқ шоликорлари эндиликда мураккаб иқтисодий муаммоларга дуч келишди. Афсуски, қурултойда пахта, пилла, жун, қоракўл харид нархларини ошириш масалаларига кўп эътибор берилди. Шоликорларнинг муаммолари эса эътибордан четда қолди. Ваҳолонки, ана шу муаммоларни тез ва самарали ҳал этмай туриб, Ўзбекистон аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган шоли етиштиришни кўпайтириб бўлмайди.

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Калинин номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Ҳайитова ўз нутқини ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда қишлоқ аҳолисини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласига бағишлади.

У бутун дунёда пахта жуда юқори баҳоланишини уқтирди. Республикамиз ўзининг аъло навли толаси билан ҳамма вақт шуҳрат қозониб келган, бу толага бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уни ишлаб чиқаришга қанча сарф-харажат қилиниши ҳаммага маълум. Бинобарин, ана шу энг муҳим соҳада ҳали кўплаб ҳал этилмаган муаммолар бор. Техника, мойлаш-ёқилғи материалларининг нархи кескин ортиб кетганлиги деҳқонларни оғир аҳволга солиб қўйди. Чунки эндиликда камдан-кам хўжаликлар техникадан тўла фойдалана олиши мумкин. Техника бўлмаса юқори ҳосил етиштириб бўлмайди. Ҳосил учун курашга пахтакорларнинг кўпчилиги бор куч ва ғайратини сарфламоқда, лекин улар аксариятининг ойлик ўртача маоши сарфлаган меҳнатларига арзимайди. Қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий жиҳатдан пишиқ-пухта ҳимоя қилиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Андижон вилоятининг ҳокими Қ. Х. Холмирзаев ўз нутқида аҳолини иш билан банд қилиш, одамларни иш ҳақи билан барқарор таъминлаш муаммоларига тўхталди. У Ўзбекистон аҳолисининг ўндан бир қисми Андижон вилоятида, уларнинг 68 фоизи қишлоқларда яшашини таъкидлади. Ерлар тақчил бўлиб қолган ҳозирги пайтда қишлоқда саноат корхоналарини вужудга келтириш, меҳнатни ташкил этишнинг барча шаклларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ туюлмоқда.

Вилоятнинг бошқа иқтисодий муаммоларига тўхталган нотиқ Ўзбекистонга хорижий валютани жалб қилиш зарурлигини айтди. Жаҳондаги ривожланган бирор мамлакат, деб таъкидлади у, фақат хом ашё сотишни ўзига раво кўрмайди. Бизда эса ҳозирча шундай қилинмоқда. Ўзбекистон бой мамлакатга айланиши учун хом ашё ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот билан савдо қилиш зарур. Бунинг учун эса барча имкониятлар мавжуд. Ўз ишлаб чиқаришимизни ривожлантиришимиз, сармоялардан фойдаланишимиз, қўшма корхоналар тармоғини кенгайтиришимиз даркор.

Пахта мустақил Ўзбекистоннинг асосий бойликлари қаторига киради, деб таъкидлади ўз нутқида Жиззах вилоятидаги «Зомин» давлат хўжалигининг сут соғувчиси Д. Йўлдошева, — Лекин одамларни тўйдирадиган чорвачиликни ҳам унутмаслигимиз зарур.

Чорвачилик маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан олимларга, тармоқни илғор ишланмалар билан таъминлашга боғлиқдир. Лекин олимлар ҳали ҳам бу ишда кўнгилдагидек қатнашмаётганликларини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, селекция ишларининг савияси ҳали ҳам паст. Олиб келинаётган моллар табиий шароитга мослаштирилмаган, молларни парваришлаш, уларни боқишда ҳам талай муаммолар пайдо бўлмоқда...

Техника ва озуқа нархларининг мислсиз кўтарилгани тармоқда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқарди. Аҳволни енгиллаштириш учун хўжаликда озуқа экинлари, айниқса жўхори етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Д. Йўлдошева ғалла экинлари майдонини кўпайтириш, зарурлигига тўпланганлар эътиборини қаратди. Бу Ўзбекистонга ўз ғалласини кўпроқ етиштириш имконини беради.

Жиззах вилоятининг имконияти катта. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштиришга дадиллик билан пул сарфлаш мумкин. Айни вақтда деҳқончилик-саноат корхоналарини ҳам ташкил этиш зарур. Ана шу харажатларнинг ўрни юз марталаб қопланиб кетади.

Самарқанд районидаги Ф. Қосимов номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Т. Қудратов боғбонлар, полизчиларнинг бугунги ташвишлари, юмушлари билан тўпланганларни таништирди. Ўз жамоасининг фаолияти, деҳқонлар ҳар куни дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида гапирди.

Нотиқ етиштирилган ҳосил моддий-техника ресурсларини қоплашга ҳам етмаётганини таъкидлади. Чунки, нархлари ошиб кетган. Масалан, полиэтилен плёнкасининг нархи 15-20 баравар ортиб кетди. Бригада анжир етиштириш билан шуғулланади. Ўтган йили қишлоқ аҳли 70 тонна шифобахш анжир ҳосилини йиғиштириб олиб, давлатга топширди. Лекин материаллар, механизмлар, ўғитларнинг ниҳоятда қимматлашиб кетгани натижасида ишлаб чиқариш зарар келтириши мумкинлиги кўриниб турибди. Мева ва сабзавот маҳсулотлари харид нархларини қайта кўриб чиқиш борасидаги ишларни тезроқ тугаллаш зарур.

Ер халқимизни боқади, деб таъкидлади нотиқ, шу сабабли ернинг ҳақиқий, ғамхўр ва омилкор эгаси бўлиши лозим.

(ЎзА).

• ХДП: халқ орасида

САХОВАТ ОҚШОМИ

● Ю. Ражабий номидаги Жиззах музикали драма театрида қизиқарли учрашув бўлди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бу хайрия кечаси айтиш мумкинки, савобли тадбирлардан бирига айланди.

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Азимов ҳаммага баҳорий кайфият тилаб, ногирон ва муҳтожларга хайрия ёрдами кўрсатиш учун келган барча кишилар жамоа вакилларига миннатдорчилик билдирди. У ХДП вилоят кенгаши номидан Жиззах шаҳридаги гунг ва кўзи ожизлар маданият уйига 10 минг сўм ҳамда онкология диспансерига 5 минг сўм пул инъом этилганини маълум қилди.

Зоминдаги ногирон хотин-қизлар уйида жумҳуриятнинг турли бурчакларидан келган юзлаб аёл бор. Улар бу ерда иш ўрганиб, фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. Уларга мадад қўлини чўзган вилоят агросаноат уюшмаси 20 минг сўмлик мурувват кўрсатгани эълон қилинди. Вилоят моддий-техника бошқармаси эса гунг болалар мактаб интернатига «Садко» рангли телевизори ҳадя қилган бўлса, Жиззах устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси болажонларга 10 минг сўмлик кийим-бош совға қилди.

—Оиламиздан 8 киши аскарлик хизматини ўтаган,— деди кўп болали она М. Эрматова. — Улар орасида байналмилалчи жангчилар ҳам бор. Оиламиз ногиронларга 500 сўм ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Шунингдек, вилоят рўзномасида қизларини даволатиш учун 12 минг сўмга муҳтож бўлган Лахановлар оиласи ҳақида ёзилганди. Ўзаро келишиб Танянинг операцияси учун 200 сўм қўшадиган бўлдик.

Шу куни саховат оқшоми қатнашчилари республика таниқли санъаткорлари Э. Каримов билан Р. Каримова, Ҳ. Саъдиев ҳамда Муқимий номли музикали театрнинг бир гуруҳ хонанда ва раққосалари ижросидаги куй-қўшиқлар, ичак узди ҳангомаларни тинглаб, томоша қилдилар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шеробод сопол буюмлар заводида тайёрланган маҳсулотларга назар солсангиз, улар баҳор манзараларидан андоза олгандай ял-ял яшнаб турганига гувоҳ бўласиз. Дарҳақиқат бу корхонада тайёрланган гулдор лаганлар, чойнак-пиёлалар, гултувак ва бошқа буюмлар кўркам, фойдаланишга қулай.

СУРАТЛАРДА: 1. Ёшлар мураббийси, тажрибали ишчи Жўрахон Абдурахмова (чапдан). 2. Корхонада тайёрланаётган буюмлардан намуналар. 3. Сопол буюмга гул чизувчи Зилола Арслонова.

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ олган суратлар.

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

ҲАМҚИШЛОҚЛАР МЕРОСИ

● Қизилтепа районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги маданият саройида хайрли ишга қўл урилди.

Бу ерда хўжалик музейини ташкил этишга киришилди. Бу ташаббус маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Х. Саидовдан чиқди. У ҳамқасблари кўмагида хўжалик тарихига оид ҳужжатлар, экспонатлар йиғиб, собиқ раис ва ҳосилотлар ҳаётига оид материаллар билан музейни бойитмоқда.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

БЕМОРЛАР МАМНУН

● Олтиариқ районида янги ташхислаш марказн иш бошлади. Марказнинг дастлабки иши кўпчиликка маъқул бўляпти.

Район марказий касалхонасининг бош врачи А. Ғафуров ташаббуси билан ташкил этилган бу марказда энг замонавий тиббиёт воситалари мавжуд. Олтиариқ пахта тозалаш заводи ажратган валютага Японияннинг «Конден» фирмаси ишлаб чиқарган турли апаратлар келтирилди. Диагностика марказининг бош врачи Р. Қодиров бундай аппаратлар билан ишлаш учун инглиз тилини ўрганди. Янги техника кўмагида турли хил касалликларни вақтида аниқлаб, рентген суратларини тез чиқариш мумкин.

Ўтган йилнинг ўзида ташхислаш марказида ўн мингдан ортиқ фуқаро тиббий текширувдан ўтказилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОСИЯТЛИ НУР ЁРДАМИДА

● Бухоро вилоят тери-таносил касалликлари шифохонасида ўрнатилган Япония ва Финляндияда ишлаб чиқарилган янги ускуналар кўпгина беморларни даволашга имкон бермоқда.

Жумладан, йил бошидан буён даволаш ишларида фойдаланилаётган икки турдаги ускуна лазер нурлари ёрдамида гулафшон, соч тўкилиши, терининг оқариши сингари касалликларни 80 — 85 фоиз даволашга имкон бермоқда.

— Шифохонамиз ходимлари, — дейди бош шифокор Э. Ҳ. Маҳмудов, — замонавий ускуналардан унумли фойдаланиш, янги даволаш ва диагностика воситаларини кенг жорий этиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда.

ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

● Илгари Бухоро билан Когон шаҳарлари ўртасида темир йўл алоқаси йўлга қўйилиб, қулайлик яратилган эди.

50-йилларнинг охирида автомобиль транспорти жадал ривожланиб, шаҳарлараро поезд ҳаракатига эҳтиёж қолмади. Энди бўлса, ёнилғи-мойлаш материалларининг нархи кескин ошган шароитда яна шундай эҳтиёж вужудга келди. Келгуси ойдан бошлаб Бухоро — Когон поезди ҳаракати йўлга қўйилиши тўғрисида қарорга келинди. Бу когонлик ва бухоролик йўловчилар учун ҳам арзон, ҳам қулайдир.

Н. НУСРАТОВ.

● 1992 йилнинг 2 марти мустақил Ўзбекистоннинг бахтли кунларидан бири бўлиб қолди.. Наманган вилоятининг Мингбулоқ қишлоғидан қайнаб чиққан нефть дарёси улуғ ўлкамизнинг муборак номини яна бир бор оламга танитди.

Эл-юрт хизматига ошиқаётган сахий табиат инъоми жиловландими, унинг сарҳисоби қилиндими, тарихларда достон бўлғуси бу ишларнинг фидойилари кимлар, атроф-муҳит ҳуш ҳавоси безарар, бемалолми каби сўровли назарлар, хатлар беҳисоб.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қора олтин жиловкорлари ҳузурида.

Ўзбекистоннинг Қора олтини

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР

ИНСОН иродаси метиндек мустаҳкамлигига қойил қоласиз, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг иккинчи котиби Азамат Фаёзов. — Кончилар, ёрдамга келган мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кечаю-кундуз чарчоқ билмай ишламоқдалар. Бироқ неча кунлик уйқусизлик, жисмоний чарчоққа қарамай, ишни бир дақиқа ҳам бўшаштирмай, астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларга бутун Ўзбекистон мадад бериб турганини кунда ҳис этиб турибдилар. Фидойиларни қутлаш ва ҳол-аҳвол сўраш учун келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни бардам кайфият билан кутиб олдилар.

— Қувончларингизга шерикман. Аввал мени нефть булоғига олиб боринглар, — деди мамнуният билан Президент.

У дарҳол кончиларнинг махсус либосини кийиб янги нефть манбаси очилган жойга юрди.

«Қора олтин» шиддат билан осмонга сапчимоқда.

Ер қаъридан чиқаётган нефтнинг иссиқлик ҳарорати жуда юқори. Шу боис нефть аралаш осмонга отилаётган сув ерга тушмасдан буғга айланмоқда. Қуюқ ҳовур самоларни қучган. Фаввора бўлиб тушган тим қора нефть эриган сақич сингари ер бағирлаб ёйилмоқда, очиқ омбор тўлиб бормоқда. Нефтчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Устбошлари, юз-кўзлари қорайиб кетган. Ҳозир улар бу ерда нефтни жиловлаш борасидаги муҳим жараёнга ҳозирланмоқдалар...

Президент дарҳол ишчиларга яратилган меҳнат ва маданий дам олиш шароити, ошхонадаги овқат турлари билан қизиқди. Ишчилар ўзларига қулай имкониятлар яратилаётгани, ётоқхона, ошхоналардан кўнгиллари тўқ эканлигини айтишди. Нефть кони ва ишчилар шаҳарчасидаги аҳвол билан атрофлича танишгач, Вазирлар Маҳкамасининг сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда Бош вазир А. Муталов, унинг ўринбосарлари, барча вазирликлар, идоралар ва тегишли бошқармаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Наманган ҳудудидан топилган нефтнинг аҳамияти катта, таъкидланди йиғилишда. Чунки ҳозир эҳтиёжимиз учун зарур нефть маҳсулотининг жуда катта миқдорини четдан олиб келяпмиз. Ўзимиздан нефть чиққани Ўзбекистон халқи учун жуда катта бойлик, бахт манбаи.

Нефть туфайли биз ёниш даражаси турлича бўлган неча хил бензин, керосин ва бошқа хил ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, парафин, вазелин ва табобатда қўлланиладиган кўпгина моддалар, битум, мазут, гудрон каби қурилиш материаллари, халқ хўжалиги учун зарур бўлган бир қанча ашёлар муаммосини ҳал қиламиз. Нефть конининг топилгани шу минтақадаги нефтни қайта ишлаш заводлари фаолиятини жонлантириб юборади. Айни вақтда аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради. Ҳозирги, биринчи галдаги вазифа — нефть вулқонини жиловлаш, атроф-муҳитни тоза сақлаб қолиш.

Нефть булоғидан отилиб чиқаётган қимматбаҳо хом ашёни ташиб олишга алоҳида эътибор қаратилган. Кунига минглаб тонна нефть отилиб чиқаётган бир пайтда унинг бир неча минг тоннасигина ташиб кетилаётир, холос. Қолган 10—15 тоннаси эса ерга ёйилиб кетмоқда. Бу — жиддий ташвиш туғдиряпти. Атроф-муҳит, айниқса сувнинг ифлосланишига сира йўл қўйиб бўлмайди. Мана шу муаммо юзасидан табобат, сув хўжалиги, қурилиш вазирликлари, «Ўзбекнефть», табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, лойиҳа-қурилиш, бошқа мутасадди идоралар мутахассисларининг таклиф, фикр, мулоҳазалари тингланди.

Ўша кунги катта йиғилишда кон яқинида яшовчи хонадонларга моддий ёрдам бериш, экин майдонлари ҳамда зарарланган мевали ва манзарали дарахтлар учун товон ҳақи тўлаш масаласи кўтарилди. Задарё районидаги битта ўрта мактаб ва нефть конига яқин жойлашган аҳоли пунктини вақтинча бошқа жойларга кўчириш тавсия этилди. Бу ерга яқинлиги икки километргача бўлган масофадаги икки юздан ортиқ хонадон дарҳол муҳофазага олинди.

Шундан бери ўтган саноқли кунларда ойлар, йилларда бўлмайдиган ишлар битиб кетди. Хўш, ҳозирги вазият қандай?

НАҚАДАР ЎЖАРСАН, ҚАЙНОҚ ФАВВОРА

УЗОҚДАН фаввора устидаги қора ялтироқ қурумга ўралган минора кўзга ташланади. Андижон нефть идораси кўзини очган Мингбулоққа олиб борувчи йўлнинг бир неча ерида йўл назорати ходимлари бизни тўхтатишди. Бу тушунарли, балодан ҳазар, ёнғин хавфи ҳам ҳар балодан ёмон. Кон томон яқинлашган сайин машина олд ойнасига ҳаводаги нефть зарраси қўна бошлади. Кўйлакларнинг ёқасига, ойнадан чиқарилган енгларга тушган майда қора томчилар кўпая борди.

— Мингбулоққа бораман деб кўйлакдан айрилдингизку, — ҳазиллашди ЎзХДП Андижон вилояти кенгашининг биринчи котиби Нўъмонжон Шокиров.

— Ўзимиздан чиққан нефтга чўмилса ҳам арзийди, — деймиз ғурурланиб.

Охирги назоратдан ўтгач, вагон уйлардан, чодирлардан бунёд бўлган шаҳарчага бурилдик. Оғир, енгил ва махсус машиналарнинг, баҳайбат техника воситаларининг давлат рақамлари уларнинг Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятларга қарашли эканлигини айтиб турибди.

Нефть фавворасини жиловлаш марказий қароргоҳининг атрофи махсус коржома кийган кишилар билан гавжум. Бугун бу ерда республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов ҳозиргача олиб борилган ишларга баҳо бериб, эртанги кун режалари устида ишламоқда экан. Қароргоҳнинг доимий мутасаддиси, Бош вазир муовини Қаюмжон Ҳаққулов ҳам шу ерда ҳозир.

Мингбулоқ нефть кони ўз босими, хом ашё миқдори ва кучи жиҳатдан дунёдаги ўнта катта коннинг бири сифатида баҳоланмоқда. Ўзбек нефтчилари нефтнинг отилишини жиловлаб уни бошқариш мақсадида кўп ишларни амалга оширдилар. Зудлик билан етказиб келинган техника воситалари ва одамларнинг меҳнати туфайли ўн минглаб тонна тупроқ ишлари бажарилди. Кон кўзини беркитиш йўлида қатор махсус жараёнлар амалга оширилдики, у ишларнинг ҳар соатини қаҳрамонликка тенглаштириш мумкин. Москва, Грозний, Тюмень ва бошқа шаҳарлардан таклиф қилинган мутахассислар ўзбек ҳамкасбларининг фидокорона ишларига, билимдонлик билан дадил қўллаган усулларига ижобий баҳо беришди.

Нефть булоғи устини беркитиш, хом ашё, экинзорлар, сув ҳавзаларини булғамаслиги учун талай ишлар қилинди. Ўжар фавворани жиловлашга уч марта қаттиқ уриндилар. Лекин нефть босими ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бундан ташқари унинг қудуғи бойлик отилиб чиққани сайин кенгайиб, экологияга жиддий хавф солиши мумкинлиги кузатилмоқда. Айни пайтда қимматбаҳо хом ашёнинг кўплаб исроф бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Бош вазир ана шу масалаларни мутахассислар билан бирга жиддий, атроф-лича таҳлил этди. Дастлабки муҳокамадан сўнг у ҳукумат алоқаси телефон гўшагини кўтариб Тошкент—Президентга улашларини илтимос қилди. Шу кунги вазият, айтилаётган таклиф ва тавсиялар ҳақида И. Каримовга қисқача ҳисоб берди. Республика Президенти бу ерда олиб борилаётган ишларни синчковлик билан соат сайин кузатиб тургани, муаммоларни тез ва чуқур пайқаши туфайли ундан барча масалаларга аниқ ва тушунарли жавоб олинди...

Бироздан сўнг А. Муталов қароргоҳга бошқа давлатлардан келган мутахассисларни, хусусан Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳридан таклиф этилган «Стен Корнелиус» консорциумининг президенти ҳамда Техас штатидан келган мутахассис Бовден Жоуларни ҳам таклиф этди. Ўзаро фикрлашувлардан сўнг нефть булоғини беркитишнинг икки йўли қолгани, энг мақбули — булоқ устини ёндириб, юқори босим билан отилиб чиқаётган нефтни тўхтатиш ва бошқариш эканлиги уқтирилди.

— Биз, албатта, бошқа йўлларни ҳам ишлаб чиқишимиз, синчковлик билан, вақтни бой бермай, тез назардан ўтказишимиз лозим, — деди Бош вазир. — Шунинг учун бу ерда шуғулланаётган барча мутахассислар гуруҳларининг хулосаларини олиш ва энг мақбул деб топилган чорани қўлламоғимиз даркор. Айниқса америкалик мутахассисларнинг тавсиялари диққатга сазовор. Таклиф қилинган усулни олдин четроқда, кичик миқёсларда синаб кўришни тавсия этардим. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа хизматлар ҳам бу ишларда бир ёқадан бош чиқариб иштирок этишлари лозим...

МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

● НЕФТЬ ВУЛҚОНИ ЕНДИРИБ БУЙСУНДИРИЛАДИ!

● БУ УСУЛ —

— ШУ ҲУДУДДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ТУРМУШИГА,

— ТАБИИЙ МУҲИТГА,

— СУВ ВА ТУПРОҚ СОФЛИГИГА ЗИЁН ЕТКАЗМАСЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ,

КОННИ БУЙСУНДИРИШ МУДДАТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ.

ЭНГ ҚИСҚА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДАРҲАҚИҚАТ, Бош вазир ўтказган кенгашдан сўнг америкалик мутахассислар билан қилган мулоқотимиз олти-етти минутча давом этди. Чунки бунгача океан ортидан келган гуруҳ ҳақида анча-мунча маълумотларни таниш нефтчилардан билиб олган эдик.

Сиэтллик Стенли Корнелиус бош бўлган юқори босимли нефть вулқонини беркитиб, уни бошқаришга тайёрлаш билан шуғулланувчи ихтисослашган консорциумни бутун жаҳон нефтчилари яхши билишади. Улар дунёнинг қайси бурчагида нефть чиқиб, эгаларига «бўйсунишни ҳоҳламаса», ўша ерга таклиф қилинадилар. Уларнинг ихтиёрида биринчи даражали асбоб-ускуна, ўзлари ишлаб чиққан технология, усул-услублар бор. Консорциум раҳбари ўзининг энг яхши мутахассислари билан таклиф этилган жойга бажонидил борадилар. Шартнома асосида иш бажариб берадилар.

Бовден Жоу техаслик. У нефть ва газ конларида ёнғин чиқиши хавфини бартараф этиш бўйича дунёдан олган мутахассис. Ҳукумат раҳбарияти ҳузуридаги кенгашга ҳам ўзининг махсус тикилган коржомасида бемалол кираверади. Коржома кифтига унинг хизмати мазмуни ёзиб қўйилган.

Матбуот вакиллари уларга асосан битта савол билан мурожаат қилдилар.

— Нефть фавворасини қандай бўйсундириш мумкин?

Меҳмонлар ўзаро келишиб олдилар-да, қўйилган саволга консорциум президенти жаноб Стенли Корнелиуснинг ўзи жавоб берди:

— Мингбулоқ кони босими, кучи, тезлиги, миқёси жиҳатидан дунёда мен билган саноқли конлардан бири бўлиб чиқди. Биз нефть конларини бошқаришнинг усулларини ўрганамиз. Консорциумнинг бир қисми Аляскада жойлашган. Бизни Наманганга таклиф қилишгач, Аляскадан маслаҳатчи мутахассислар гуруҳи билан етиб келдик. Олдимизга қўйилган вазифа отилиб чиқаётган ёввойи оқимни тўхтатиш, қудуқларни фойдаланишга тайёрлаб беришдан иборат. Биз бундай юмушларни Техаснинг ўзида, Мексика, Италия, Қувайт, Хитойда ҳам бажарганмиз. Умуман ҳозиргача 60 дан ортиқ конни тизгинилаганмиз.

Ўзбек мутахассислари, уларга ёрдамга келган кишилар вужудга келган вазиятда билимдонлик билан ишлашганини кўрдик. Нефть оқимининг кенгайиб кетиши, атрофдаги аҳоли хонадонлари, сув ўзанлари, экинзорлар зарарланишининг олдини олишда жуда оқилона тадбирларни ишга солишган. Улар лозим бўлган барча ишларни қилишган.

Лекин янги кон ниҳоятда «ўжар» экан. Уни «тинчлантириш»нинг йўллари бир нечта. Бизнинг назаримизда, энг мақбул йўл — кон манбаасини аввал ёндиришдир. Олов кейин кичраяди ва машъала ҳолига келади. Сўнгра махсус технология асосида уни беркитиш, бошқариш учун тайёрлаш осон кечади.

Бунда фақат булоқ устигина ёндирилади, атрофга ёйилган нефть оқимлари махсус «марза»лар, ёнғинга қарши қопламалар билан муҳофаза қилинади. Бутун жараён нисбатан энг кичик сатҳда кечади. Ёндириб ўчириш усули атроф муҳит ифлосланиши, қурумлардан асрашнинг, одамларга, сув ва экинзорларга хавфли зиён етказмасликнинг энг маъқул чораси деб ҳисоблаймиз.

— Нефть тошқинини бу усулда тизгинлаш учун қанча муддат керак бўлади?

— Махсус қоришмалар тайёрлаш, махсус ускуналарни АҚШдан олиб келтириш, ишга солиб, тошқинни тўхтатиш ва ҳоказо босқичлар 25—30 кун вақт олади, деб ўйлаймиз.

Яна қайтариб айтаман, фавворани тўхтатиш учун турли йўллар ва усуллар мавжуд. Уларни нотўғри дея олмайман. Лекин вақт кетяпти, зарар ортяпти. Назаримизда, энг мақбул усул аввал ёндириш, сўнг уни ўчириб нефть булоғини зарур томонга қувурлар орқали оқизишдан иборат. Бундан афзал йўл топилса биз ҳам розимиз.

Стенли узун трубкасига тамаки солиб бошқатдан ёндирди...

Кечқурун америкаликлар Андижон вилояти ҳокими Қаюмжон Холмирзаевнинг меҳмони бўлишди. Улар қўнган меҳмонхонадаги телефон орқали Сиэтл ва Техас билан маслаҳатлашувлар давом этди.

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ИНСОНЛАР

КОН яқинидан ўтган йўл бўйида Андижон йўл қуриш ва ундан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Санжар Ўрозалиевни учратдик. У тадбиркорлик билан иш кўриб, сувсиз эски канални икки жойидан тўсиб, нефть булоғидан ташиб келтирилаётган хом ашё билан тўлдирмоқда.

— Мустақил давлатимиз бошига бахт қуши қўнди, — дейди Санжар ака. — Давлатимиз бошига ҳам, вилоятларимизга ҳам худо ёрлақаган кишилар келишгани рост экан. Илгари ўн қадам йўлни қуриш, таъмирлаш учун битум ёки гудронни ахтариб топгунча эсимиз кетарди. Яна чиқимини айтмайсизми. Дарё бўйига келган одам чанқоғини беминнат қондиради. Кўнгли кенг кончилар оқиб чиққан нефтни истаганча ташиб олишга рухсат беришди. Кунига 200 тоннага яқин нефть ташияпмиз. Раҳмат қадами қутлуғ инсонларга!

Нефть ташувчилар учун уч маҳал овқат, муваққат яшаш учун вагон-уй, махсус кийим-бош ажратилган. Ҳар бир ҳайдовчи ва бошқа ходимларга кунига 40 сўмдан пул бериляпти. Иш иккк сменада ташкил этилган.

Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев эндигина чодирлар, вагон уйчалардан иборат шаҳарчани айланиб, магазинлар, сартарошхона ва ошхоналар фаолияти билан танишиб қайтган экан.

— Диёримиздан нефть чиқиши аввало, халқимиз насибаси бутун эканлигини яна бир бор исботлади, — дейди Б. Рапиғалиев. — Минг марта шукур... Тинмасдан отилиб чиқаётган қора олтин ҳаммамизни шошириб қўйди. Кунига 15—20 минг тонна хом ашё варақлаб отилиб турибди. Нефть босими ва иссиқлик даражаси уни то Оқтошгача қувурда ўз дами билан олиб боришга имкон беради. Ҳозир қувур тортиш ишлари жадал кетяпти. Оқтошда тўпланган хом ашё темир йўл цистерналарига қуйилиб, қайта ишлаш заводларига юборилади. Яқин келгусида Оқтошда нефтни қайта ишлаш корхонаси қуришни ўйлаб турибмиз.

Тўсатдан кўзи очилган нефть булоғининг ўзига хос ўжарлиги бизни жиддий ўйлантиряпти. Одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш, табиатни асраш, сувни булғатмаслик каби муаммоларни қадам-бақадам ҳал этмоқдамиз. Ҳеч ким саросимага тушгани йўқ. Президентимиз ҳар куни ҳол сўраб турибдилар. Бош вазир ва унинг ўринбосари ҳамиша шу ерда. Жумҳурият вазирликлари, қўшни вилоятлар раҳбарларига минг бора ташаккур. Қандай масала чиқмасин ҳаммасини баҳамжиҳат ечиб боряпмиз.

Ҳозиргина ўтказилган кенгашда америкаликлар фикрини эшитдик. Швейцариядан ҳам мутахассислар келишяпти. Доно халқимиз айтганидек, кенгашли тўй тарқамас. Бу нозик иш, етти ўлчаб бир кесмаса бўлмайди. Халққа буларни ҳаммасини тушунтиришимиз лозим. Ҳадемай фавворани ўзимизга бўйсундириб олсак, кейинги ишлар маромида кетади.

Халқимиз хурсанд. Шундай бойлик қўлга кириб турган бир шароитда ҳаммамиз ўз ўрнимизда ҳалол ва фидокорона ишлашимиз керак. Мустақил давлатчилигимизни мустаҳкамлаш ҳар қанча хусусий манфаатлардан юқори туриши лозим, деб ўйлайман. Наманганнинг қалби покиза инсонлари ана шу фикр-ўйда яшаб ишлашяпти. Бинобарин, ҳозирги мураккаб шароитда, эртанги ризқ-рўзимизни ҳам ўйлашимиз, баҳорги ишларни ҳам тобида бажаришимиз зарур.

Жумҳурият Давлат контехника назоратининг раиси Акром Ғуломович Аҳмадбоев биз билан суҳбатда бундай деди:

— Америкаликлар таклифи ҳам жуда мураккаб, жуда хавфли. Ҳозир босим аввалгидан ҳам кучайиб кетди.

Тўртинчи ҳужумга шайланяпмиз. Бу курашга америкалик мутахассислар етакчилик қилишади. Уларнинг тажрибасидан фойдаланамиз. Нефть қудуғини жиловлашда 31 кишидан иборат махсус ҳарбийлашган ўт ўчирувчи қисм ишлайди. 20 киши эса уларга ёрдамга шайланиб турибди. Жами 51 киши қудуқ атрофида жонини гаровга қўйиб фидокорлик кўрсатади. Бизга ана шу энг хавфли жойда ишлайдиган паҳлавонларни муҳофаза қилишдек ўта масъулиятли вазифа топширилади.

Уларга қайноқ нефтдан ва бошқа зарарлардан сақлайдиган махсус кийимлар тайёрладик. Тракторчилар, қудуқ олдидаги жиҳозлар, ускуналарни бошқарадиган забардаст кишиларнинг ҳаммаси билан суҳбат ўтказилди, ким қаерда туриши, қандай вазифани бажариши уқтирилди. Фавқулодда ҳодиса рўй бермасин, деб ҳамма чораларни кўряпмиз, ўзни пухта муҳофаза қилиш қонун-қоидаларидан чекинмасликни кўзда тутяпмиз. Олов исканжасида ишлаганда ниҳоятда тез ҳаракат қилиш, заҳарланишдан сақланиш керак.

Хуллас, иш бажарувчиларнинг вазифаси ниҳоятда оғир, ниҳоятда хавфли, катта иссиқликда ишлашнинг ўзи катта жасоратдир. Биз уларни эҳтиёткорликка, чақконликка, эпчилликка тайёрлаяпмиз. Ҳозиргидек иш бажарувчилар фавворага «ҳужум» қилинадиган, жиловланадиган кунларда ҳам шифокорлар назоратида бўладилар. Курашдан толмаймиз, худо хоҳласа.

— Мен нефть фаввораси отилиб чиққан кундан буён Мингбулоқдаман, — деди Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Анорбой Муродилов. — Қора олтин қидирувчиларнинг иши бунчалик оғир бўлади, деб ўйламаган эдим. Уларнинг бирор соат хотиржам ухлашганини кўрмадим. Юзлаб кишилар ҳузур-ҳаловатдан кечиб вагон-уйларда яшашяпти. Изғиринли тунларни нефть фавворасини кузатиш, унинг йўлини тўсиш билан ўтказишяпти. Бундай жасоратли, матонатли паҳлавонлар ҳақида ҳар қанча ғамхўрлик қилинса ҳам оз.

Ҳа, муҳтарам муштарий. Биз шундай кунларни орзиқиб кутгандик:

Мустақиллик бизга энг аввало пахтамизни — оқ олтинимизни ўзимиз тасарруф этиш ҳуқуқини берди!

Мустақиллик нодир бойлик — соф олтинимизга ўзимизни эга қилди!

Мана энди нефтга —қора олтинга соҳиб бўлиб турибмиз!

Ўзбек халқининг ризқ-насибаси улуғ. Чунки унинг кўнгли ҳамиша соф. Яратганнинг ўзи бизни қўллаб турибди. Ҳозир қўлни қўлга бериб ишлаш, ғайратшижоатларни бирлаштириш, мақсад муштараклигига эришиш ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Мингбулоқ нефть конидан материалларни «Ўзбекистон овози» рўзномасининг махсус мухбирлари Р. РАҲМОНОВ, А. АБДУБАННОПОВ, А. ҚУРОНБОЕВ, А. МАДАТОВ тайёрлашди.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Мингбулоқ нефть конидаги ишлар ҳақида мунтазам ахборот бериш учун «Ўзбекистон овози» нинг водийдаги ўз мухбирлари Анорбой Қуронбоев (Андижон), Алишер Ибодинов (Фарғона), Абдуҳошим Мадатов (Наманган) фаолият кўрсатмоқдалар. Нефть фавворасини тизгинлаб бошқаришга тайёрлаш жараёнини батафсил ёритиш учун рўзномамизнинг доимий ижодий гуруҳи ишлаши Бош вазир А. Муталов томонидан маъқулланди.

Мингбулоқ нефтчилар шаҳарчасининг бугунги кўринишидан лавҳалар.

П. АКБАРОВ олган суратлар.

НАМАНГАНДА СЕССИЯ

НАМАНГАН. XXI чақириқ халқ ноиблари вилоят кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Наманган вилоят ҳокимияти ва унинг аппарати —котибиятининг тузилиши ва штатлари, вилоят маҳаллий бюджетининг 1992 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари ва 1990 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Биринчи масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди ва масъул лавозимларга ўзи тавсия этган номзодларни ноиблар ихтиёрига ҳавола этди. Депутатлар вилоят ҳокими тавсия этган номзодларни бир овоздан тасдиқладилар. Иккинчи масала юзасидан вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Ю. Собиржонов ахборот берди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида молиявий аҳвол ҳақида батафсил тўхталди.

Сессия ишида республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди ва нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУРБОНОВ НОМИ БЕРИЛДИ

● Яқинда жумҳурият болалар асаб-руҳий касалликлари шифохонаси ходимлари қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдилар.

Бош врач И. А. Савельева касалхонага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди марҳум Умар Қурбонов номи берилганлигини хабар қилди. Шодиёнага таклиф этилган академик Ў. Орипов шундай деди:

— Умар Қурбонов болалар уйида тарбия олиб, вояга етган эди. Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари Самарқанд тиббиёт олийгоҳида ўқидик. 1966 йили Тошкент зилзиласи пайтида соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини эдим. Шунда У. Қурбонов фалажга чалинган болаларни даволовчи махсус шифохона ташкил этиш ҳақида таклиф билан ҳузуримга кирди. Махсус бино йўқ эди. Касалхона Тошкент гидромелиоратив техникумининг эски ётоқхонасида очилди. У йигирма йил шу касалхонани бошқарди.

Ҳозирги пайтда даволаш маскани уч юз ўринли бўлиб, у замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шу билан биргаликда бу ерда 8 йиллик мактаб ҳам мавжуд. Ҳар бир бўлимнинг ўзида физиотерапия хонаси, спорт заллари бор. Беморлар даволаниш билан биргаликда махсус спорт машқларини ҳам бажарадилар.

Маросимда йиғилганлар У. Қурбонов фаолиятига алоҳида тўхталдилар.

А. ЭРГАШЕВ.

ЯНГИ РЎЗНОМА

«ЧЕЛАК ТОНГИ»

Самарқанд вилоятидаги Челак райони ташкил этилганига бир йил бўлди. Ўтган давр мобайнида районда қатор корхона, ташкилот, муассасалар тузилган. Бу йилги Наврўз айёмида районнинг мустақил рўзномаси — «Челак тонги»нинг биринчи сони дунёга келди. Муштарийлар рўзномадан район ижроия қўмитаси раиси Абдушукур Муҳаммадқулов, Имом Бухорий масжидининг хатиб-имоми ҳожи Усмонхон Темурхон ўғли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳасан Худойбердиев, Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультети декани ўринбосари, филология фанлари номзоди Сайди Умиров ва бошқаларнинг бир қатор мақола ва табриклари билан танишадилар.

Рўзномада шоирлар Жамол Сирожиддин, Зиёдулла Нурматовнинг шеърлари, биолог ўқитувчи, ҳаваскор боғбон Р. Мўминов, А. Наржиқуловнинг мақолалари муштарийларда катта таассурот қолдиради.

«Челак тонги» рўзномаси илк сонининг қалам ҳақи муаллифларнинг хоҳишига кўра «Наврўз» хайрия жамғармасига ўтказилгани, айниқса қувонарлидир.

М. ПИРМАТОВ.

ТЕКИНГА МАШИНАЛАР

Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига ўз марҳаматини аямаяпти.

Фақат ўтган йилнинг ўзида санаторийларда дам олиш, даволанишлари учун 1,5 минг кишига бепул йўлланма берилди. Наврўз байрами муносабати билан «Меҳр-шафқат» жамғармаси ҳисобидан ажратилган 100 минг сўмга сигирбузоқлар сотиб олиниб, аҳволи ночор кишиларга тарқатилди.

Биринчи квартал охиригача 68 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронига «Запорожец» автомашинаси тортиқ қилинади.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ФЕРМЕРЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳида шу йилнинг 1 сентябридан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик корхоналари учун фермер деҳқон хўжалиги бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган

ИККИ ЙИЛЛИК ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўрта мактабни тамомлаганлар имтиҳонсиз қабул қилинади. Талабаларга чуқур билим ва малака бериш, шу билан бирга фермерларга тупроқшунослик, агрономлик, суғоришда техникани таъмир этиш ва ундан фойдаланиш, замонавий фермер хўжалигининг иқтисодини юритиш ва бошқа соҳалардан керакли бўлган малака ва кўникмаларни беришни ўз зиммасига олади.

Олий билимгоҳга қабул қилинган талабалар қулай ётоқхоналарда яшайдилар, талабалар ошхонасида овқатланадилар, олий билимгоҳ қошидаги соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш спорт комплексидан фойдаланадилар.

Бўлимни тамомлаганлар электр, механик трактор ва автомобилни бошқариш-ҳайдовчиси гувоҳномасини, бундан ташқари кичик муҳандис, унвонига мос келадиган, тенглашадиган кўп қиррали фермер, деҳқон хўжалиги мутахассиси ихтисосини оладилар. Хоҳловчилар олий билимгоҳнинг юқори босқичида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

БИЗНИНГ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Маълумот учун телефон: 35-33-40.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи фермерлар тайёрлов бўлими.

● ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

НАВРЎЗГУЛ

Наврўзгул кўп йиллик, бўйи 30 сантиметрга етадиган ўсимликдир. Унинг илдиз пояси шохланмайди. Ер остида қийшиқ шаклида жойлашган. Илдизолди барглари тухумсимон бўлади. Илдизлари тўп барглар ўртасидан ўсиб чиққан бўлади. Баргсив навдада оддий соябонга ўхшаш гуллар ўрнашган. Гули йирик, сариқ рангли. Меваси қўнғир тусда. Тухумсимон. Уруғлари кўмкўк бўлади. Баҳор ойларида гуллайди. У асосан қир-адирлардаги буталар орасида, ўтлоқларда ўсади.

Ёғи таркибида турли маъданлар мавжуд. Унда эфир мойи, гликозитлар, тритерпен бирикмалари ва бошқа моддалар бор. Наврўзгулдан тайёрланган дори-дармонлардан хасталикларни даволашда фойдаланилади. Гиёҳ барглари баҳор пайтлари тайёрланган дамлама кишига дармон бўлади. Чунки наврўзгул барги таркибида «С» витамини, аскорбин кислотаси, парафин бор. Одатда наврўзгул барги дамлаб ичилади. Уни қайнатмаслик керак. Сабаби «С» витамини қайнатилганида қувватини йўқотади.

Дармони қуриган, юрагида оғирлик пайдо бўлган, майда кон томирларининг шикастланиши натижасида тери остида қизил нуқталар юзага келган ҳолларда наврўзгулни дамлаб ичиш керак. Наврўзгул дамламаси инсон организмида модда алмашинуви жараёнини яхшилашга ёрдам беради. Овқат ҳазм бўлиши, қонни тозалаш, жигарнинг нормал ишлаши, тананинг турли юқумли касалликларга қаршилигини кучайтиришда ҳам наврўзгул дамламаси фойда қилади.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

● *Тошкент халқаро «Наврўз—92» театр фестивали давом этмоқда*

БЕДИЛНИ ТИНГЛАБ, МАНАСНИ КЎРАСИЗ

Яқиндагина бу ерда — Ҳамза театрида жонажон рўзномамиз ўзининг Наврўз байрамини нишонлаган эди. Энди бу масканга яна бир тантана — Халқаро Наврўз театр фестивали ташриф буюрди. Бино пештоқига беш тил—ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида «Хуш келибсиз, азиз дўстлар!» сўзлари чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Фестиваль очилишига ҳали бир соат бор. Лекин театр олдида тантана авжида. Карнай-сурнай, ноғора ва чилдирмаларнинг хуш овози одамларни ўзига чорлайди. Машиналардан гуж-гуж бўлиб тушиб келаётган фестиваль иштирокчиларини мезбонлар қучоқ очиб кутиб олишмоқда.

Ичкарига кирамиз. Фойеда халқ ижоди дасталарининг концерти... Уларнинг чинакам ўзбекона чиқишлари — куй ва қўшиқлари, рақслари аллақачон бу ерга етиб келган азиз меҳмонларни мафтун этади. Тили яқин, мақсади бир ҳамкасб дўстларнинг, қадрдонларнинг суҳбатлари ҳам қизғин. Шундай қувноқ давраларнинг бирига яқинлашамиз: ҳаммага бирдек азиз ва дилкаш Наби Раҳимов, Қозоғистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти, машҳур режиссёр Озарбайжон Мамбетов, Қирғизистон Академик драма театрининг режиссёри Бобобек Ибраев, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Ҳамза театрининг директори, халқ артисти Санъат Девонов...

Наби ака одатдагидек жўшиб, берилиб сўзламоқда:

—Самолётдан тушиши билан Ёқубни сўради. Қурултой билан банд бўлиб чиқолмади, ўрнига мени юборишди, дедим. Уюшмага етиб келдик. Яна Ёқубни сўрайди. Ҳатто Вазирлар Маҳкамасидаги қабул пайтида ҳам қўймади. Гапнинг қисқаси, Ёқуб — Мамбетовга қолибди ёқиб!

Озарбайжон оға устознинг қўлини олиб, қучоқлаб кулади.

Ёқуб Аҳмедов ҳам бўш келмайди:

— Наврўз фестивалининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Анжуман биринчи навбатда дўстлик ишига, халқларни яқинлаштиришга, турли республикаларда самарали меҳнат қилаётган ижодий жамоаларнинг изланишларини тарғиб қилишга, ўзаро тажриба алмашишга жуда катта хизмат қилмоқда. Фестиваль жуда кўп иқтидорли ёшларни, режиссёрларни, қолаверса, истиқболли театрларни кашф қилди.

— Кимнинг иштирокини алоҳида таъкидлашни истардингиз?

— Биринчи навбатда ўзбекистонлик дўстларимнинг иштирокларини. Улар анжуманнинг масъулиятини қалбдан чуқур ҳис қилиб, муносиб тайёргарлик билан борганликлари, энг муҳими, бу ўзига хос ижодий мусобақани юксак қадрлаганликлари учун ҳам дастлабки икки кўрикда ғолиб чиқишди. Учинчи анжуманда қатнашган «Мулоқот» театр-студиясининг бир йўла бир нечта соврин билан тақдирланиши ҳам ғолиблик белгиси.

— Тошкент фестивали энг аввало нимаси билан қимматли?

— Яхши савол бердингиз. Раҳмат. Бу анжуман биринчи навбатда мустақил давлатда ўтаётганлиги, Халқаро анжуманга айланганлиги, қадрдоним, дўстим, синглим Бернора Қориевани мураккаб жанр — балетдаги фаолиятига 35 йил тўлиши билан олқишлаганлиги учун азиздир! Президентнинг юксак эътирофига сазовор бўлган санъат фидойисини чин дилдан табриклайман!

«Ўзбекфильм» студиясидзега, у бошлиқ ҳайъат аъзоларига маъқул бўлишда. Мен фақат бор ижодий имкониятларимизни намойиш эта олишимизга ишонаман, — деб айта оламан.

Ўзбек киносининг ёш актрисаси Ато Муҳаммаджонова гул тақдим этар экан, унга сафарда бўлган режиссёр Элёр Эшмуҳамедовдан салом айтди. Тожик актёри ва режиссёри чексиз хурсанд бўлди. Мен ундан «ҳамкорлик яна давом этадими?» деб сўрадим.

— Бўлмасамчи! Элёр ака келгуси йили кўп қисмли янги бадиий фильмини экранлаштиришга киришмоқчи. Ана шу картинага лутфан таклиф этган. Худо хоҳласа, яна ҳамнафасликда ижод қиламиз.

— Наврўз анжумани мана шундай азалий ижодий ҳамкорликларни янада мустаҳкамлаяпти, — дейди ёнимизда турган туркманистонлик режиссёр Қақажон Ашуров, — янгиларини кашф этяпти. Шунинг учун ундан миннатдормиз. Фестивални бизнинг Ашхободда интиқ бўлиб кутишаётир...

Ўлкамизда Наврўз сайли садолари баралла янграб турган пайтда яна бир улкан тантана қадам ташлади. Унинг файзу-таровати ўзгача. Бу қутлуғ байрам сабаб бўлиб, халқимиз Бедил, Рўдакий, Жомий ҳикматларини тингламоқдалар, афсонавий халқ қаҳрамонлари — Манас, Гургут Оталар билан яқиндан танишмоқдалар, Чингиз Айтматов фалсафасини муносиб ташиган спектаклни олқишламоқдалар. Меҳмонлар эса, ҳазрат Навоий ва Ҳамза асарлари асосида юртдошларимиз янгидан саҳналаштирган драмаларни томоша қилмоқдалар.

Наврўз Халқаро театр фестивали ҳақиқий дўстлик кўприги, нафосат элчиси, тарих ва тақдирлар ойномаси сифатида эътироф этиляпти.

Ю. БЕРДИЕВ.

«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ



Станок балансировочный „eldis-1200„

Енгил автомобиллар ғилдираклари мувозанатини ростлайдиган «ЭЛДИС — 1200» (балансировка) дастгоҳини ва автомобиллар махсус ускуналарини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади.

Тошкент шаҳридаги 34-25-81 телефони бўйича соат 9.00 дан 18.00 га қадар тегишли маълумот олишингиз мумкин

● *Ажаб савдолар*

БУЙРУҚ ШУНАҚА ЭМИШ

Ҳозир юз берган танқислик ҳамма ерда қатъий иқтисодни йўлга қўйишни талаб этяпти. Дарҳақиқат, иқтисод бўлмас экан, яқин ўртада фаровонликка эришиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо жуда кўплаб ташкилотларда тежамкорлик ҳақида оғиз кўпиртиришни дўндиришади-ю амалий ишга келганда «кетса давлатники кетибди-да», қабилида иш тутишади.

Бунга хоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Масалан, яқинда мен телефондан фойдаланганлик учун юз сўмдан зиёд пулни бирйўла Ўзбекистон жамғарма банкига қарашли 14/0287 рақамли кассага тўладим.

Бир неча кун ўтгач, квартира ва коммунал ҳақини тўлаш учун бланкали қоғоз тўлдириб кассир А. Г. Хегайга юзландим.

— Пулингизни қабул қилолмаймиз, деди у пул ва квитанцияни қайтараркан.

— Нега? Олдиндан тўлаб қўйсак яхши эмасми?

— Яхшилик-ка, яхшику-я, аммо машинамиз учта рақамли суммага муҳр босолмайди.

— Яқинда телефонга пул тўлаганда муҳр босиб бердинглар-ку!

— У бошқача қоғоз эди. Квартира ва коммунал хизмат учун 99 сўму 99 тийингача қабул қиламиз. Қолгани учун бошқа қоғоз тўлдирасиз. Ўн икки ой учун ўн иккита қоғоз тўлдирсангиз яна ҳам яхши. Аслида машина уч рақамли сумма учун ҳам муҳр уриши мумкин. Лекин юқоридан буйруқ шунақа. Фақат икки рақамли пул учун муҳр урингилар, дейилган. Биз кичкина одам, буйруқни бажармасак бўлмайди.

Ўзбекистон жамғарма банки раҳбарлари ҳозирги оғир шароитда қоғоз тежамкорлиги учун курашиш ўрнига исроф-ғарчиликни талаб қилишса?! Буни қандай тушунса бўлади? Балки банк раҳбарларининг ўзлари тушунтириб беришар.

К. РИХСИЕВ.

СПОРТ

БОКС — ПУЛ САНАШ ЭМАС

● МОСКВАДА анъанавий халқаро учрашув ўтказилди.

МДҲ ва АҚШ боксчиларининг дастлабки учрашувида майдон эгалари 9:3 ҳисобида устун келишди. Бу ғалабага жаҳон чемпионатининг сонриндори тошкентлик Артур Григорьян муносиб ҳисса қўшди. У АҚШнинг Аризон штатидан келган, касби кассир бўлган боксчи А. Суазо билан баҳслашди. Боксчимиз пул санаш устасини доғда қолдириб, мухлисларни мамнун этди.

НАФОСАТ БАҲСИДА

● КИРОВ шаҳрида чанғида акробатик машқлар бажариш бўйича Европа кубоги ва чемпионлиги учун мусобақа ўтказилди.

Мусобақада кейинги йилларда мутахассислар эътиборини қозониб келаётган тошкентлик Лина Червязова ҳам иштирок этди. Унинг чанғида акробатик машқларни бажариши юксак баҳоланди. 165,94 балл тўплаган спортчимиз ғолиблик супасига кўтарилди.

БУШ КЕЛИШМАДИ

● ВЛАДИКАВКАЗ спартакчилари сафида куч синашаётган пахтакорчилар ғалабани таъминлашди.

Спартакчилар Москва армиячилари билан учрашувда 2:0 ҳисобида муваффақият қозонишди. Тўпларни М. Қосимов билан И. Шквирин дарвозага йўллашди. Учрашувда шунингдек, Г. Денисов ҳам иштироқ этди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

● РЕСПУБЛИКА шаҳарларида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган спартакиада давом этмоқда.

Чирчиқда баскетболчи қизлар баҳсига якун ясалди. Фарғона жамоаси 6 ғалаба билан биринчи ўринни олди. Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри баскетболчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЧОРШАНБА, 1

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» 8.25 «Боболардан қолган бу наво» 8.55 «Баҳор мўъжизалари» Бадиий фильм. 10.30 «Ёшлик». 11.10 «Келажагимиз мактабда». 11.40 «Фикрлар тўқнашганда». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Анъана ва замон». 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 «Ёшлик» 19.55 «Олатов жилолари». 20.10 «Орзу» иш тажрибасидан». 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги дастури. 21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.10 Телевизион минатюралар театри. 2-қисм.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» 19.20 «Абдулла Қаҳҳор». 19.30 «Қизиқарли учрашувлар». 20.00 «Спринт». 20.20 «Ишбилармонлар». 21.05 «Эсдалик учун дастхат». 21.40 «Ғаройиб бола» Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.20 «Болалар мусиқий клуби». 9.00 Ҳужжатли фильмлар. 9.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Фермата». 11.50 «Қишлоқ ҳангомалари». 12.20 «Вилоят салони» 12.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст» 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Мовий гуллар». 14.30 «Бир сафарли ҳайдовчи». Бадиий фильм, 1-серия. 16.00 «Рок-макс». «Генезис». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Максима». 17.50 «Муаммолар йўқми?». 18.30 «Ўнг келган туш ёки чемодан». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Шов-шуви катта-ю...» 21.40 «Ферметa». 22.10 «Қон эвазига ислоҳот». 22.50 Концерт. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Лимпопо». 00.10 «Бир сафарли ҳайдовчи». Бадиий фильм, 1-серия.

● ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Немис тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Немис тили. 8.35 Россиянинг телевизион театри. 11.00 Криминал канал. «Мутлақо маҳфий». 11.55 «Вариацияли мавзу». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.45 Болалар соати. 15.45 «Жаҳон бозорининг калити». 16.15 «Ҳаёт кузи». 16.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.45 Парламент хабарномаси. 17.00 Хабарлар 17.20 Эълонлар. 17.25 «Узоқ Шарқ». 18.10 «Сиз яратган боғ». 18.40 Сафсаталар. 19.20 «Ҳар бир кун байрам»... 19.30 Театр томошалари. 20.30 «Одессада қандай дафн этишади?». Бадиий фильм. 20.40 Ретро-эстрада. 20.50 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.30 «Бешинчи бурчак». 22.20 «Джентльмен-шоу». 22.55 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. 23.25 «Джаз-клуб».

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, фалсафа кафедраси жамоаси мазкур институтнинг доценти Г. Расулевага отаси

Ҳасан Ғофурович РАСУЛЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси мазкур вазирликнинг Ўрта тиббий ва дорикор ходимлар малакасини ошириш билим юрти директори

Абдураҳим МИРҲУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор қилади.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти раҳбарияти ва жамоаси Архитектура куллиёти «Жамоат биноларини лойиҳалаш таҳсилгоҳи»нинг мудири, доцент Т. Хидоятовга қизи

РАЎНОХОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси нашриёт катта муҳаррири М. Шариповга онаси

Олия ХАЛИТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.